

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАМБЕТОВ АБДИРАШИТ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СУҒОРИЛАДИГАН  
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА  
УЛАРНИ ЯХШИЛАШ (БЕРУНИЙ ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13 – «Тупроқшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

<b>Мирзамбетов Абдирашит Базарбаевич</b> Жанубий Қорақалпоғистон суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш (Беруний тумани мисолида).....	3
<b>Мирзамбетов Абдирашит Базарбаевич</b> Эколого-мелиоративное состояние орошаемых почв южного Каракалпакстана и их улучшение (на примере Берунийского района).....	21
<b>Mirzambetov Abdirashid Bazarbaevich</b> Ecological-meliorative state of irrigated soils of southern Karakalpakstan and to improve them (on the example of the Beruniy region).....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАМБЕТОВ АБДИРАШИТ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СУҒОРИЛАДИГАН  
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА  
УЛАРНИ ЯХШИЛАШ (БЕРУНИЙ ТУМАНИ МИСОЛИДА)**

**03.00.13 – «Тупроқшунослик»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАҒА ДОКТОРИ (PhD)  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
В2021.4.PhD/Qx695 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтида (ТАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.soil.uz](http://www.soil.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ахмедов Алмон Усмонович</b> қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ҳодим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қурвонтоев Раҳмонтой</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти <b>Саидова Муниса Эргашевна</b> биология доктори, доцент Тошкент давлат аграр университети
<b>Етакчи ташкилот:</b>	«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz)).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.М.Бобомуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Қўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
катта илмий ходим

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича «шўрланган ерлар майдони ер шари куруқлик қисмининг тахминан 25 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. Кейинги 20–25 йил мобайнида чўл ва яримчўл минтақаларидаги 75 дан ортиқ давлатлар худудларидаги суғориладиган ерлар тупроқларида сувда осон эрувчи тузларнинг кўплаб мавжудлиги, саҳроланиш, шўрланиш ва эрозия жараёнларининг фаоллашуви туфайли ҳар куни 2000 гектардан ортиқ майдонлар турли хилдаги деградация жарёнларига учрамоқда»<sup>2</sup>. Шу сабабли ҳозирги кунда тупроқлар унумдорлигини сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерлар экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигида тупроқлар маҳсулдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Дунё бўйича тупроқларнинг инқирозга юз тутиши, деградацияланиши ва бу жараёнларнинг қишлоқ хўжалигига етказётган зарарини баҳолаш, уларни олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада тупроқлар шўрланиши, тузларни келиб чиқиши (геокимёси), уларнинг тупроқ катламларида ҳаракатланиши ҳамда тўпланиши сабабларини аниқлаш, тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган янги инновацион ресурстежамкор ва ноанъанавий усулларни қўллаш орқали қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш, тупроқлар агро-мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз суғориладиган тупроқларида содир бўлаётган шўрланиш жараёни ва улар мелиорацияси, тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш ва бошқариш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда ва бу борада муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларининг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш, шунингдек глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуриб қолишининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам республикамиз суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш, уларни маҳсулдорлигини ошириш, шўрланган тупроқлар экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган агротадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>www.fao.org.

<sup>2</sup> Soil salinity control.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон «2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилларгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация маълумотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларини аниқлаш, шўрланган тупроқлар генезиси ва уларнинг мелиорацияси, суғориладиган ерлар тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолаш, шўрланишни олдини олиш, шўрланган тупроқларни шўрсизлантириш, унумдорлигини тиклаш ва ошириш борасидаги илмий-тадқиқот ишлари хорижий олимлар В.А.Ковда, В.В.Егоров, Н.Г.Минашина, Н.И.Базилевич, Е.И.Панкова, М.П.Лебедев, П.А.Керзум, В.Я. Матузов, D.Franzen, Jingwey.Wu, D.A.Horneck, F.J.Radwan, D.Richard, S.M.Lesch, I.Szabolch ҳамда Республика олимларидан М.А.Панков, А.И.Калашников, Н.В.Кимберг, И.Н.Фелициант, А.М.Расулов, О.К.Комилов, О.Р.Рамазонов, Р.Қ.Қўзиев, М.М.Тошқўзиев, Р.Қ.Қурвонтоев, Н.Ю.Абдурахмонов, А.У.Ахмедов, А.Ж.Исмонов, М.И.Рузметов, Б.Ж.Жоллибеков, У.Е.Исмаилов, М.Э.Саидова, Ғ.Т.Парпиев, Ж.М.Турдалиев, Б.Б.Рамазонов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, Жанубий Қорақалпоғистон ҳудуди суғориладиган тупроқларидаги захарли тузлар миқдорини аниқлаш, экологик-мелиоратив ҳолатини захарли тузлар захираси билан баҳолаш бўйича илмий-тадқиқот изланишлари етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг 2018-11-сон «Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни тупроқ мониторинги мақсадларида тадқиқ этиш учун стационар ва ярим стационар экологик майдончаларда режим кузатувларини бажариш» ҳамда 2019-16/1-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ва Тўрткўл туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган

ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш» мавзусидаги шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Беруний тумани суғориладиган тупроқларининг хосса-хусусиятлари, шўрланиш даражаси, тузлар миқдори ва захираларини аниқлаш, туман суғориладиган ерларининг тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолаш орқали уларни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Жанубий Қорақалпоғистон суғориладиган тупроқларининг табиий ва тупроқ-мелиоратив шароитлари, асосий хоссалари, шўрланиш даражаси ва химизми, генетик ва ҳисобий қатламлари бўйича тузлар миқдори ва захираларини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг «Литологик-тузли кесими (профили)»ни таҳлил қилиш, иккиламчи шўрланишнинг шаклланиш сабаблари ва ўзига хос хусусиятларини Беруний тумани мисолида ўрганиш;

Беруний тумани «Қиётобод» массиви суғориладиган ерларининг захарли тузлар миқдорий кўрсаткичлари бўйича шўрланиш даражаси ва ер майдонларини аниқлаш ҳамда «Захарли тузлар захираси картограммаси»ни тузиш;

туман суғориладиган ерлари экологик-мелиоратив ҳолатига ер ости (грунт) сувлари ҳолатини ҳамда Орол денгизи экологик фожиясининг таъсирини баҳолаш;

суғориладиган тупроқлардан самарали фойдаланишга, экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Беруний тумани худудидан танланган турли даражада шўрланган, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир ва қумли-чўл тупроқлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли даражада шўрланган тупроқлар, уларнинг механик таркиби, агрокимёвий, физик-кимёвий, мелиоратив хоссалари, генетик қатламлар, тузлар таркиби ва захиралари, экологик-мелиоратив ҳолатини баҳолаш маълумотлари ва турли мавзули картограммалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар услублари асосини «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» ва «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма» лар ташкил этади, шунингдек шўрланган тупроқларни хариталаштириш, қиёсий-географик, қиёсий-геокимёвий, лаборатория-аналитик ва камерал-тахлилий усуллардан фойдаланилди. Тупроқ намуналарини олиш ва лаборатория-кимёвий таҳлиллари Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ҳамда ТАИТИ нинг «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель» қўлланмаларида кўрсатилган услублар асосида, олинган маълумотларнинг статистик таҳлиллари эса Б.А.Доспехов усулида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

туман суғориладиган ерларида шўрланган тупроқларнинг шаклланиши жараёнларини ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

тупроқ қатламларидаги сувда эрувчан умумий ва заҳарли тузлар миқдори, захиралари, сизот сувлари сатҳи, минерализацияси, шўрланиш химизми, гипотетик тузлар таркибидаги заҳарсиз ва заҳарли тузлар улуши аниқланган;

критик чуқурликдан (~2,5 м) юқори жойлашган сизот сувларидаги умумий ва заҳарли тузлар миқдори бўйича тупроқлар шўрланишининг эҳтимолдаги хавфлилик даражаси аниқланган ва классификацияси ишлаб чиқилган;

тупроқлар тузли кесими ҳамда гранулометрик (механик) таркибининг график кўринишида тасвирлаш ЭХМ дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

А.Навоий номли массив суғориладиган ер майдонларининг 1:10000 масштаби «Тупроқ механик таркиби» картаси тузилган ҳамда тупроқларининг механик таркиби, шўрланиш даражаси ва типлари ҳисобга олинган ҳолда, агромелиоратив тадбирлар ўтказиш, жумладан шўр ювишнинг мақбул меъёрлари ва муддатлари тавсия қилинган;

«Қиётобод» массивининг суғориладиган ерларидан оқилона фойдаланиш, экинларни тўғри жойлаштириш ва шўр ювиш меъёрларини тўғри белгилаш мақсадида 1:10000 масштаби «Заҳарли тузлар захираси картограммаси» тузилган;

худуднинг суғориладиган тупроқлари экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланишни олдини олиш, сув-туз режимини мўътадиллаштириш, шўрланган ерлардан ҳам тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларни кимёвий-аналитик ва бошқа тадқиқот усуллари билан статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларни илмий асосланганлиги, амалиётда тасдиқланганлиги, Республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий Аттестация Комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари ва даврий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туман суғориладиган ерларида шўрланиш-шўрсизланиш жараёнларининг таҳлил қилинганлиги, бу жараёнларнинг шаклланишида табиий ва антропоген омиллар таъсирининг, тупроқ ва грунт сувлардаги мавжуд туз захиралари миқдорларини аниқланганлиги ва умумий ва заҳарли тузлар захиралари бўйича суғориладиган тупроқлар экологик-мелиоратив нуқтаи назардан баҳоланганлиги ҳамда тупроқларнинг тузли профили ва гранулометрик таркибини график тасвирлашда ЭХМ дастурини қўллашнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар асосида «Қиётобод» массиви суғориладиган ерларининг «Заҳарли тузлар захираси» картограммаси тузилган, ушбу картограмма шўрланишни олдини олиш ҳамда экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерлардан самарали фойдаланишда жорий агротехник ва агро-мелиоратив тадбирларни белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Қорақалпоғистон худуди суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Беруний тумани «Қиётобод» массиви суғориладиган ерлари учун 1:10000 масштабда тузилган «Заҳарли тузлар захираси картограммаси» 1452,0 гектар суғориладиган майдонларда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, давлат қўмитасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 03-05-7644-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган ерларнинг устки 0-1 метрлик қатламнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолаш ҳамда тупроқ хосса-хусусиятларини ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берган;

«Суғориладиган ерлар учун критик чуқурликдан юқорида жойлашган сизот сувлари таркибидаги умумий ва заҳарли тузларнинг тупроқ шўрланиш даражасига кўрсатадиган таъсири»нинг ҳавфлилик даражаси бўйича классификацияси ишлаб чиқилиб, Беруний тумани суғориладиган ерларини экологик-мелиоратив ҳолатини баҳолашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 апрель № 03/022-1595-сон маълумотномаси). Натижада, критик чуқурликдан юқорида жойлашган сизот сувлари таркибидаги умумий ва заҳарли тузларни тупроқларнинг шўрланишига кўрсатадиган таъсирининг ҳавфлилик даражасига тўғри баҳо беришга имкон берган;

«Тупроқларнинг тузли профили ва гранулометриқ таркибини яратиш дастури» деб номланган электрон график тасвирда ифодаланувчи ЭХМ дастури яратилган ва амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 апрель № 03/022-1595-сон маълумотномаси). Натижада, турли даражада шўрланган тупроқларнинг тузли кесими ва гранулометриқ таркиби график тасвирий кўринишининг аниқлик даражасини ортишига, график тасвирнинг аниқ ва равшан ифодаланишига ва уни шакллантиришда такомиллаштирилган тезкор усулини яратишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шўрланган тупроқлар тадқиқотларининг қисқача таҳлили**» деб номланган биринчи боби икки бандга бўлинган бўлиб, биринчи банди «*Жанубий Қорақалпоғистон ҳудудлари тупроқ-мелиоратив ҳолатини ўрганилиши тарихи*» деб номланган, унда Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган тупроқларида олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари, интернет саҳифаларидан диссертация мавзусига оид батафсил маълумотлар келтирилган.

Иккинчи банди «*Муаммонинг ўрганилганлик даражаси*» деб номланиб, унда адабиётлар шарҳи ва тадқиқот натижаларининг атрофлича таҳлили асосида, шўрланган тупроқлар таркибидаги заҳарли тузлар захирасини аниқлаш, тупроқ унумдорлиги, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш борасида эса янги замонавий технологиялар, агро-мелиоратив тадбирлар мажмуасини назарий ва амалий жиҳатлардан қайта кўриб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ ҳосил бўлиш ва шўрланиш жараёнларидаги табиий ва антропоген омиллар**» деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, Беруний туманининг географик жойлашиш ўрни билан боғлиқ табиий ва инсон-хўжалик, жумладан геологик, литологик-геоморфологик, гидрогеологик, иқлим шароитлари, ўсимлик қопламлари ва антропоген омилнинг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига кўрсатадиган таъсири атрофлича ёритилган.

Беруний туманининг ер усти тузилиши (рельефи) асосан дарё воҳаси ва чўл текисликларидан иборат, шимол томонда Султон Увайстоғ пасттоғликларига бориб туташади. Рельеф шаклининг бундай тузилиши ер ости (грунт) сувларининг жуда кучсиз табиий зовурлашганлиги ва уларнинг турғун характерини белгилаган. Қорақалпоғистон Республикаси Гидрометеорология бошқармаси «Ургенч» метеостанцияси берган маълумотларга (2008–2017йй.) қараганда, ҳудудда ҳаво ҳароратининг ўртача

кўрсаткичлари йил давомида кенг миқёсда ўзгариб туради. Йилнинг энг совуқ ўртача ҳарорати январь ойига ( $-3,3\text{ C}^0$ ) тўғри келади, март ойида ўртача ҳаво ҳарорати  $+8,2\text{ C}^0$  даражасига кўтарилгани билан айрим кунларда унинг минимал кўрсаткичлари  $-12,4\text{ C}^0$  даражасига тушиб кетиши эҳтимоли мавжуд. 2008-2017йй ичидаги ўртача йиллик ёгингарчиликлар миқдори  $139,51\text{ мм}$ . ни ташкил этади. Худудда охириги йилларда энг кўп ёгингарчилик миқдори 2016 йилда ( $212,1\text{ мм}$ ), энг кам миқдор 2010 йилда ( $33,5\text{ мм}$ ) кузатилган, бу даврда энг кўп ёгингарчиликлар 2011 йилнинг февраль ойида содир бўлган, мазкур ойда худудга  $73,2\text{ мм}$  қор ва ёмғирлар келиб тушган. Йил давомидаги энг иссиқ давр июль ойига тўғри келади (ўртача  $+28,7\text{ C}^0$ ), шу даврда хавонинг максимал юқори ҳарорати  $+43,9\text{ C}^0$  ни ташкил этади. Худудда совуққа чидамли экин турларини экиш март ойларида бошланганлиги билан экинларнинг асосий қисми апрель ойларининг иккинчи, учинчи ва май ойларининг биринчи декадаларига тўғри келади. Март ойида тупроқнинг  $5\text{ см}$  чуқурлигида ҳарорат  $+8,7$ ;  $10\text{ см}$  чуқурликда эса  $+8,2\text{ C}^0$  ни ташкил этади бундай иссиқлик ғўза ва бошқа иссиқсевар ўсимликлар учун етарли эмас, шунинг учун худудда чигит экишнинг энг мақбул даври апрель ойи ҳисобланади, бу вақтда тупроқнинг  $5\text{ см}$  чуқурлигида ўртача  $+17,7$  ва  $10\text{ см}$  чуқурлигида  $+16,0\text{ C}^0$  ҳарорат сақланади. Тупроқнинг ушбу чуқурликларидаги энг юқори ҳарорат июль ойларида кузатилади ( $+34,0$ ;  $+33,1\text{ C}^0$ ).

Диссертациянинг «**Жанубий Қорақалпоғистон худудидан танланган тадқиқот объектлари ва услублари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот объектларига таъаллуқли умумий маълумотлар ва тадқиқот услубиётлари атрофлича ёритилган. Бунда тадқиқот объектлари сифатида жанубий Қорақалпоғистон худуди учун типик ҳисобланган Беруний туманининг турли геоморфологик-литологик, гидрогеологик, тупроқ-иқлим ва инсон-хўжалик шароитларида ривожланган, турли даражада шўрланган ва келиб чиқиш генезисига кўра дельта аллювиал ва эол ётқизиқларидан ҳосил бўлган, географик-минтақавий жойлашиш ўрнига кўра эса чўл ва чўл аллювиал текисликлари агроландшафтларидаги суғориладиган тупроқлари танланган.

Режалаштирилган тадқиқотлар туман худудида тарқалган асосий тупроқ турларини қамраб олишга йўналтирилган. Бунда Беруний туманининг, «Қиётобод», «Шаббоз», А.Навоий ва У.Жуманиёзов номли массивлари (хўжаликлар) суғориладиган ерларида амалга оширилган. Шунингдек, тадқиқотнинг бажарилишида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 15–16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифи, ҳамда кенгайтирилган мажлисида<sup>4</sup> берган топшириқлари ижросини таъминлаш, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг 2018 йил 27 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг №0641-сон топшириғини бажариш давридаги тадқиқотлар ҳамда 2018 йил 27–28 май кунлари бўлиб ўтган кучли шамол (бўрон) натижасида қуриган Орол денгизи тубидан учирилган ва экин майдонларига олиб келиб ётқизилган тузли-қум-чангли бирикмалари ётқизиқларининг кимёвий таҳлил натижалари келтирилган.

---

<sup>4</sup>21.11.2018 й. №21351-xx

Дала-тупроқ тадқиқотлари ва камерал-аналитик ишлар республикамизда (тупроқшуносликда) умумқабул қилинган услублар асосида амалга оширилган. Лаборатория шароитида тупроқларнинг механик таркиби Качинскийнинг пипетка усулида, гумус миқдори Тюрин усулида, умумий азот, фосфор ва калий – Гинзбург, Щеглова ва Вульфийуслар усулларида, сингдирилган катионлар таркиби Пфеффер, бунда  $\text{Ca}^{++}$  ва  $\text{Mg}^{++}$  Шмукнинг сиқиб чиқариш услубида,  $\text{Na}^+$  ва  $\text{K}^+$  алангали фотометрда аниқлаш усулида, тупроқдаги сувда эрувчан тузлар миқдори ва ионлар таркиби сувли сўрим усулида,  $\text{SO}_4$  (гипс) – 0,2 н.  $\text{HCl}$  эритмаси ёрдамида  $\text{SO}_4$  ионини сиқиб чиқариш усули ёрдамида бажарилган. Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуби бўйича амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Жанубий Қорақалпоғистон ҳудуди тупроқ қопламларининг умумий тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида, Беруний туманининг «Шаббоз», «Қиётобод» ҳамда А.Навоий ва У.Жуманиёзов номли массивларидан танланган суғориладиган тупроқларнинг механик таркиби, агрокимёвий хоссалари, сингдириш сиғими, ер ости сизот сувларининг ҳолати, сифат ва компонент (кимёвий) таркиблари, мазкур массивлар ерларининг шўрланганлик даражаси ва туман тупроқларининг шўрланиши жарёнига доир лаборатория-аналитик ва қиёсий-таҳлилий маълумотлари келтирилган. Шунингдек, «Жанубий Қорақалпоғистон тупроқ мелиоратив-экологик ҳолатига Орол денгизи фожиасининг таъсири» деб номланган параграфида ҳудуд суғориладиган ерларига Орол денгизи қуриган тубидан кучли шамол (бўрон) таъсирида олиб келинган тузли-қум-чангли ётқизикларининг кимёвий таркиби, қуриган Орол денгизининг «энг муаммоли» ҳудудларида қўйилган кесмаларнинг кимёвий таҳлиллари натижалари келтирилган.


*Тупроқларнинг механик таркиби.* Беруний тумани суғориладиган ерларининг 1,19% майдонлари қумли, 16,38% – қумлоқли, 21,47% – енгил қумоқли, 44,82% – ўрта қумоқли, 15,45% – оғир қумоқли ва 0,69% майдонлар лойли механик таркибдан иборат (1-расм).

Ўрганилган суғориладиган аллювиал-ўтлоқи тупроқлари таркибида физик қум (>0,01 мм) заррачаларининг миқдори 32,6–92,0%, физик лой заррачаларининг (<0,01 мм) миқдори эса 5,8–12,3% дан 8,0–67,4% гача миқдорларда қайд қилинди. Илз заррачалари 0,4–4,4% дан 4,3–13,6% гача миқдорларни ташкил қилади.

Суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи тупроқлари таркибида физик қум заррачаларининг миқдори 37,0–89,8% оралиғида, физик лой заррачаларининг миқдори 10,8–63,0% кўрсаткичларида, илз заррачалари 1,4–4,0% дан 5,8–10,3% гача миқдорларда қайд қилинди, айрим горизонтларда умуман кузатилмайди.

Суғориладиган қумли-чўл тупроқларида физик лой заррачаларининг миқдори 1,5–16,6 %, ни ташкил қилади. Тупроқларнинг хайдалма ости горизонтлари механик таркибида йирик, ўрта ва майда қум заррачалари етакчилик қилади, хайдалма қатламида эса йирик, майда қум ва йирик чанг

заррачалари миқдорлари кўпчиликти ташкил қилади. Ил ь фракцияси миқдори ҳайдалма қатламида деярли 4 фоизга яқинлашади, лекин унинг миқдори 40 см чуқурликдан кейин 1 фоизга тушиб, 70 см чуқурликдан сўнг умуман учрамайди.



**1-расм. Беруний тумани суғориладиган тупроқларининг механик таркиби бўйича ер майдонлари, (%).**

Суғориладиган ўтлоқи-тақир тупроқлари таркибида физик кум заррачалари 48,9–92,2%, физик лой миқдори 7,8–51,1% миқдорларида қайд қилинди. Ил ь заррачаларининг миқдори 1,1–9,3% ни ташкил этади.

*Тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари.* Тавсифланаётган массивлар суғориладиган тупроқларининг устки ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 0,350–1,083% ни, ҳайдалма ости қатламида 0,266–0,804% ни ташкил этади, пастки қатламларга томон 0,053–0,216% гача камаяди. Умумий азот миқдори устки ҳайдалма қатламида 0,020–0,063%, фосфор 0,18–0,33%, умумий калий 0,768–1,506% ни ташкил этади. Шу қатламдаги ҳаракатчан азот (N-NO<sub>3</sub>) ва фосфор миқдорига кўра тупроқлар жуда кам ва кам, алмашинувчи калий миқдорига кўра эса, жуда кам (<100 мг/кг) кам (100-200 мг/кг) ва ўртача (200-300 мг/кг) таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади. CO<sub>2</sub> карбонатлар тупроқ профилида нотекис тақсимланган ва 6,58% дан 8,55% оралиғида тебраниб туради.

*Тупроқларнинг сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби.* Тупроқлар сингдириш сиғимидаги натрийнинг нисбатан юқорироқ миқдорларда бўлиши, тупроқда ишқорийлик муҳитини келтириб чиқаради, тупроқ эритмасида ўсимликлар учун зарарли бўлган Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> (сода) тузини ҳосил бўлишига олиб келади. Беруний тумани тупроқларининг сингдириш сиғимида, сингдирилган натрий миқдори 100 гр тупроқда 0,33 мг/экв дан 2,90 мг/экв гача миқдорни, сингдирилган кальций 4,40 мг/экв дан 6,80 мг/экв гача, магний 4,00 мг/экв дан 6,80 мг/экв гача, калий 0,19 мг/экв дан 0,45 мг/экв гача миқдорларни ташкил этади. Сингдирилган катионлар таркибида кальций миқдори катионлар умумий йиғиндисига нисбатан 37,36–51,67, магний

38,41–55,95, калий 1,28–3,56 ва сингдирилган натрий миқдори 2,81–19,33% кўрсаткичларида кузатилиб, амалдаги классификацияга кўра шўртоблашмаган, кучсиз ва ўртача шўртоблашган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

*Ер ости сизот сувларининг ҳолати, асосий параметрлари, кимёвий таркиби.* Беруний тумани эскидан суғориладиган аллювиал ўтлоқи тупроқларида ер ости (сизот) сувларининг сатҳи 102–155 см. ни, ботқоқ-ўтлоқи тупроқларида 80–100 см. ни, тақир-ўтлоқи тупроқларида 150–190 см. ни ва янгидан суғориладиган қумли-чўл тупроқларида 100–120 см. ни ташкил этади. Грунт сувларининг минераллашганлик даражаси 1,160–1,330 г/л дан 2,245–7,250 г/л гача оралиқларда тебраниб, шўрланиш даражасига кўра кучсиз (1–3 г/л) ва ўртача (3–10 г/л) минераллашган сувлар гуруҳларига мансуб. Хлор иони миқдорлари 0,325–0,406 г/л дан 2,210–2,800 г/л гача бўлган кўрсаткичларда тебраниб туради. Шўрланиш химизмига кўра ҳудуд сизот сувлари хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлоридли шўрланиш типларидан иборат.


Ўрганилган массивлар сизот сувларидаги тузлар сифат таркибида, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда  $\text{CaSO}_4$  (0,138–0,917 г/л) ва  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  (0,175–2,301 г/л) тузлари етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги ўринларни  $\text{NaCl}$  (0,038–1,319 г/л) ва  $\text{MgCl}_2$  (0,270–2,687 г/л) тузлари ишғол қилади. Фақат айрим кесмаларда  $\text{MgSO}_4$  (0,016–0,143 г/л) қайд қилинди,  $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$  тузи 0,138–0,917 г/л оралиғида тебраниб туради. Сизот сувлари таркибидаги захарли тузлар ( $\text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{NaCl} + \text{MgSO}_4 + \text{MgCl}_2$ ) миқдори умумий тузлар миқдорига нисбатан 38,94–82,52% ни ташкил этди.

*Тупроқлардаги шўрланиш жараёни.* Шўрланиш даражасига кўра, ўрганилган массивлар тупроқлари ўта турли-туманликни намоён этади, устки ҳайдалма (~0–30 см) қатламдаги тузлар миқдори куруқ қолдиқ бўйича У.Жуманиёзов номли массивда 0,255–4,405%, «Шаббоз» массивида 0,330–1,210%, А.Навоий номли массивда 0,265–2,470%, «Қиётобод» массивида 0,220–1,505% гача бўлган миқдорларда тебраниб туради. Шўрланиш типлари бўйича сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат–хлоридли ва хлоридли шўрланиш типларига мансуб. Аксарият кўпчилик кесмалар кесимида тузларнинг максимал юқори миқдорлари пастки қатламларга томон камайиб боради, бир қатор кесмаларда шўрланган горизонтлар ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларига тўғри келади.

Ўрганилган массивлар суғориладиган тупроқларида ўтказилган сувли сўрим анализи маълумотларининг кўрсатишича, туман ҳудудида тузли қатламларнинг тупроқ кесимида жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги ва шўрланиш даражасига кўра шўрхокли (тузларнинг максимал миқдори ҳайдалма (0–30 см) қатламда жойлашган), юқори шўрхоклашган (30–50 см да), шўрхоклашган (50–100 см да), чуқур шўрхоклашган (100–150 см да) ва чуқур шўрланган (150–200 см да) гуруҳлари кузатилади.

2-расмда эскидан суғориладиган юқори шўрхоклашган (а), чуқур шўрхоклашган (б) ўтлоқи-аллювиал, шўрхокли (в) ботқоқ-ўтлоқи ва

шўрҳоклашган (г) кумли-чўл тупроқларининг тузли кесими ва гранулометрик таркиби келтирилган.



2-расм. Суғориладиган тупроқларнинг тузли кесими ва гранулометрик таркиби

Диссертациянинг **Жанубий Қорақалпоғистон тупроқ экологик-мелиоратив ҳолатига Орол денгизи фожиасининг таъсири** деб номланган 4.8 параграфида 2018 йил 27-28 май кунлари бўлиб ўтган, Орол денгизи қуриган тубидан кучли шамол (бўрон) таъсирида кўтарилган ва Қорақалпоғистон ҳамда унга қўшни вилоятлар ҳудудига олиб келиб ётқизилган чанг-қум-тузли аэрозоль ётқизиқларидан олинган намуналар, шунингдек экологик фожианинг «энг муаммоли» ҳисобланган ҳудудларига қўйилган кесмалардан олинган тупроқгрунтлар ва сизот сувлари намуналарининг кимёвий таҳлиллари натижалари баён қилинган. Олинган тузли-қум-чангли ётқизиқлари намунасидаги сувда осон эрувчи тузларнинг умумий миқдори 17,412% ни, шундан хлор иони миқдори 0,852%, сульфатлар 10,176% ни ташкил этади шўрланиш типини сульфатли ( $SO_4 : Cl = 7,83$ ).

Қуриган Орол денгизи тупроқгрунтларида қуйилган 1-кесманинг устки 0–5 см. лик юза қатлами жуда кучли шўрланган (шўрҳок), сувда осон эрувчи тузлар миқдори 4,240 % ни, шундан хлор иони 1,281% ва сульфатлар 1,502% ни ташкил этади. Ушбу кесманинг шу чуқурликдан сизот сувларигача бўлган қатламларида кучли шўрланиш кузатилади.  $SO_4^{2-}$  ва  $Cl^-$  ионларининг миқдори мос равишда 0,442–0,638 ва 0,227–0,298% оралиғида тебраниб туради, фақат

40-60 см. лик горизонтда, SO<sub>4</sub> нинг миқдори 1,002% ни ташкил қилади (1-К). 2-кесманинг устки (0–100 см) қисми тўлалигича жуда кучли шўрланган.

Сизот сувларининг денгиз қуриган туби ётқизиқлари юзасидан жадал буғланиши, туз захираларининг устки қатламларида узлуксиз тўпланишини содир этади ва бу тўпланган тузли қатлам дефляция жараёни натижасида узок масофаларга шамол ёрдамида олиб кетилади.

Диссертациянинг «**Беруний тумани суғориладиган тупроқларининг шўрланганлик даражаси ва мелиоратив-экогик ҳолатини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида Беруний туманидан танланган 4-та массив суғориладиган ерларида амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида тупроқларга мелиоратив ёндашиш негизида уларни баҳолаш ҳамда суғориладиган ерларнинг тупроқ мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар келтирилган.

Тупроқларда мавжуд тузлар захирасини алоҳида олинган қатламлар (0–100, 100–200, 0–200 см) бўйича ҳисоблашнинг энг осон, энг мақбул усули – бу муайян қатлам (0–100 см) учун тузларнинг тупроқни генетик горизонтлари бўйича аниқланган ўртача солиштирма миқдорларини ҳисобий қатлам қалинлиги ва шу қатлам ҳажм оғирлигига кўпайтириш орқали гектар бирлигида тонна кўрсаткичларида (т/га) ифодалаш ҳисобланиб, бу борада аниқланган тузлар захираси миқдорий кўрсаткичлари, шўрланганлик даражаси ва суғориладиган тупроқлар мелиоратив-экологик ҳолатини объектив баҳолаш ва уни яхшилашга қаратилган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот объектлари тупроқлари асосан кучсиз, ўртача, кучли шўрланган, айрим кесмалар жуда кучли шўрланган айирмалардан иборат бўлиб, тупроқнинг устки 0-1 метрлик қатламидаги тузларнинг ўртача миқдори курук қолдиқ бўйича 0,212–0,560% дан 0,764–2,398% гача бўлган ораликда тебраниб туради, шундан хлор-иони миқдори 0,016–1,084% ни ташкил этади, шўрланиш химизми ўта хилма-хил хлоридли, хлоридли-сульфатли, сульфатли-хлоридли ва сульфатли типлардан иборат.

Ўрганилган массивлар тупроқларидаги тузлар захираси турлича миқдорий кўрсаткичларда кузатилиб, бу борада аниқланган сувда осон эрувчи (умумий), хлор-иони ва захарли тузлар захираларининг турли ҳисобий қатламлар учун ҳисобланган тебраниш оралиғи ва ўртача арифметик кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Тупроқнинг устки 0-1 метрлик қатламидаги умумий тузлар захираси У.Жуманиёзов номли массив суғориладиган тупроқларида гектарида 39,43–335,71; «Шаббоз» массивида 47,65–83,81; А.Навоий номли массивида 41,36–165,07 ва «Қиётобод» массиви тупроқларида 29,68–107,32 тоннани, шундан захарли тузлар захираси мос равишда 17,03–236,17; 11,67–47,45; 21,18–109,75 ва 18,88–71,34 тоннани ташкил этади (3-жадвал).

Ўрганилган худуд тупроқларининг устки 0-1 метрлик қатламидаги умумий тузларнинг энг юқори ўртача миқдорлари У.Жуманиёзов номли массив ерларида (143,89 т/га), энг кам ўртача захиралари кўрсаткичлари «Шаббоз» массиви суғориладиган ерларида (52,38 т/га) кайд қилинди, хлор



иони ўртача захира кўрсаткичлари мос равишда гектарида 53,71–8,71 тоннани ташкил этади. Қолган массивлар (А.Навоий номли ва «Қиётобод») суғориладиган ерлари тузлар захирасига кўра оралиқ ўринларни эгаллайди (12,62–14,73 т/га).

3-жадвал


**Суғориладиган тупроқларидаги тузлар захирасининг ҳисобий қатламлар бўйича тебраниш оралиғи ва массивлар бўйича ўртача арифметик миқдорлари, т/га**

Кесма №, массив.	Умумий тузлар				Хлор-иони				Захарли тузлар			
	0-50 см		0-100 см		0-50 см		0-100 см		0-50 см		0-100 см	
	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик	Тебраниш Оралиғи	Ўртача арифметик	Тебраниш оралиғи	Ўртача арифметик
3А-5А У.Жуманиёзов	23,07- 258,78	102,01	39,43- 335,71	143,89	1,55- 129,55	44,45	2,52- 151,80	53,71	12,04- 221,83	83,74	17,03- 236,17	97,49
6А-24А «Шаббоз»	25,13- 52,55	36,72	47,65- 83,81	52,38	0,85- 5,92	3,44	3,08- 17,05	8,71	11,13- 33,24	16,61	11,67- 47,45	28,10
11А-12А А.Навоий	20,33- 118,01	53,62	41,36- 165,07	87,31	0,98- 63,25	10,65	2,23- 73,42	14,73	10,24- 89,54	29,63	21,18- 109,75	45,58
19А-16А «Қиётобод»	14,46- 84,00	40,27	29,68- 107,32	59,55	1,58- 21,48	9,22	2,27- 27,58	12,62	7,97- 59,45	27,77	18,88- 71,34	37,09

Олинган натижалар асосида ҳудуд учун типик хўжалик ҳисобланган Беруний туманидаги «Қиётобод» массиви суғориладиган ерларининг 1:10000 масштаби «Захарли тузлар захираси картограмма»си тузилди (4-расм).

Тупроқларнинг устки 0–1 метрлик қатламидаги захарли тузлар миқдорий кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган майдонлари таҳлилига кўра, гектарида 0–18 тонна захарли тузлар захираси бўлган, одатдаги тушунчага кўра шўрланмаган, захарли тузлар миқдори 0,13% дан кам бўлган тупроқлар ер майдонлари кузатилмайди. Тузлар захираси 18–42 т/га бўлган кучсиз шўрланган суғориладиган ерлар майдони 78,1 гектарни (5,38%), гектарида 42–90 тонна тузлар захираси бўлган «ўртача шўрланган» суғориладиган ерлар майдони – 827,0 гектарни (56,94%), «кучли шўрланган» (90–150 т/га) суғориладиган ерлар майдони – 330,7 гектарни (22,77%) ва «жуда кучли шўрланган» (>150 т/га) суғориладиган ерлар майдони 216,6 гектарни (14,91%) ташкил этади.

Ўрганилган массивлар суғориладиган майдонлари тупроқларининг шўрланиш даражаси ва тупроқ мелиоратив ҳолатини захарли тузлар миқдорий кўрсаткичлари бўйича баҳолаш А.У.Ахмедов ва М.И.Рузметовларнинг устки 0–1 метрлик қатламдаги тупроқ шўрланиш даражасини захарли тузлар захираси бўйича аниқлаш ва миқдорий баҳолаш классификацияси (2003) бўйича амалга оширилди.



**4-расм. Беруний тумани «Қиётобод» массиви суғориладиган ерларининг захарли тузлар захираси картограммаси (Масштаб 1:10000).**

Диссертациянинг мазкур бобида сатхи критик чуқурликдан юқорида жойлашган сизот сувларидаги умумий ва захарли тузлар миқдорий кўрсаткичларининг тупроқлар шўрланишига кўрсатадиган хавфлилик даражасини аниқлаш классификацияси жанубий Қорақалпоғистон худуди учун ишлаб чиқилган ва улар 5 та тоифага бўлинган (5-жадвал).

5-жадвал

**Критик чуқурликдан юқори жойлашган сизот сувлари таркибидаги умумий ва захарли тузларни тупроқнинг шўрланиш даражасига кўрсатадиган таъсир даражасини аниқлаш классификацияси**

Т/р	Сизот сувларининг хавфлилик даражаси	Сизот суви таркибидаги умумий тузлар миқдори, г/л	Сизот суви таркибидаги захарли тузлар миқдори, г/л
1	Хавфсиз	<2,5	<0,9
2	Қам хавfli	2,5-5,0	0,9-2,1
3	Ўртача хавfli	5,0-10,0	2,1-4,5
4	Юқори хавfli	10,0-15,0	4,5-7,5
5	Жуда юқори хавfli	>15,0	>7,5

## ХУЛОСАЛАР

1. Беруний туманида ўрганилган массивлар суғориладиган тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолати ҳудуднинг геоморфологик-литологик тузилиши, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитлари, гидромелиоратив тизимлар ҳолати ҳамда инсон-хўжалик шароитларига, айниқса сизот сувларининг ҳолатига боғлиқ ҳолда турлича сифат кўрсаткичларида намоён бўлади.

2. Туман суғориладиган ерларининг асосий қисмида сизот сувларининг сатҳи вегетацион суғоришлар даврида критик чуқурликдан юқори кўтарилиб 80–196 см ни, минераллашганлик даражаси 1,2–4,4 г/л дан 6,2–7,3 г/л гача бўлган миқдорларни ташкил этади. Шўрланиш химизмига кўра аралаш-сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли ва хлоридли шўрланиш типларидан иборат, сувли сўримдаги хлор миқдори умумий тузлар йиғиндисидан 21–36% ни, заҳарли тузлар миқдори эса 51–75% ни ташкил этади. Тузларнинг сифат таркибида  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgCl}_2$  ва  $\text{NaCl}$  тузлари етакчи ўринларни эгаллайди.

3. Массивлар суғориладиган тупроқлари турли механик таркибдан иборат бўлиб, кум, кумлоқлардан оғир кумоқ ва лойларгача бўлган айирмалари кузатилади. Физик лой заррачаларининг ( $<0,01$  мм) миқдори 5,4–8,2% дан 53,8–67,7% гача бўлган миқдорларда тебраниб туради, иль заррачалари ( $<0,001$  мм) 0,4–0,6% дан 12,4–15,1% гача бўлган ораликда кузатилиб, кумли ва айрим кумлоқли айирмаларида умуман учрамайди. Механик элементлар орасида йирик чанг (0,05–0,01 мм) заррачалари барча тупроқ намуналарида устунлик (43,3–47,3% гача) қилади.

4. Тупроқнинг устки ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори 0,350–1,083% ни, ҳайдалма ости қатламида 0,266–0,804% ни, умумий азот устки ҳайдалма қатламида 0,020–0,216% ни, фосфор 0,18–0,30% ни ва умумий калий 0,768–1,506% ни ташкил этади. Ҳаракатчан азот ва фосфор миқдорига кўра жуда кам ва кам, алмашинувчи калий миқдорига кўра эса жуда кам, кам ва ўртача таъминланган гуруҳларга мансуб. Тупроқларнинг сингдириш сифими 9,6–11,7 дан 13,7–14,9 мг-экв оралиғида тебраниб, сингдирилган Са сингдирилган асослар йиғиндисидан 37,3–51,6; Mg 38,4–55,9; K 1,3–3,5 ва Na 2,8–19,3% ни ташкил этади. Сингдирилган Na миқдорига кўра шўртоблашмаган ( $\text{Na}<5\%$ ), кучсиз (5–10%) ва ўртача (10–20%) шўртоблашган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади.

5. Тадқиқот объектлари ўтлоқи-аллювиал, ботқоқ-ўтлоқи, ўтлоқи-тақир ва кумли чўл тупроқлари тузли қатламларининг тупроқ кесимида (профилида) жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги ва шўрланиш даражасига кўра, шўрҳокли (тузларнинг максимал юқори миқдори ҳайдалма (0–30 см) қатламда жойлашган), юқори шўрҳоклашган (30–50 см да), шўрҳоклашган (50–100 см да), чуқур шўрҳоклашган (100–150 см да) ва чуқур шўрланган (150–200 см да) гуруҳлари қайд қилинди. Яна бир эътиборли ҳолат шундан иборатки, айрим тупроқ кесмалари учун «Профилли» шўрланиш, яъни тупроқ кесмаларининг сизот сувларига гача бўлган бутун кесимида (профилида) тузларнинг деярли бир хил юқори миқдорларда тақсимланганлиги характерли ҳолатдир.

6. Тупроқларнинг устки 0–1 м қатламида умумий ва заҳарли тузлар миқдори ва захиралари айрим кесмаларни ҳисобга олмаганда (5А-К= 335,71 т/га; 12А-К= 165,07 т/га), ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гектарида 39,43–107,32; ботқоқ-ўтлоқи тупроқларида 29,68–50,61; ўтлоқи-тақир тупроқларида 72,80–82,07 ва кумли чўл тупроқларида 55,72–64,32 тоннани, заҳарли тузлар захираси мос равишда 11,67–71,34; 18,88–22,20; 28,36–37,18; 21,05–35,29 тоннани ташкил этади.

7. Беруний тумани «Қиётобод» массиви суғориладиган ерлари учун 1:10000 масштабда тузилган «Заҳарли тузлар захираси картограммаси» 1452,0 гектар суғориладиган майдонларда амалиётга жорий қилинган. «Суғориладиган тупроқлар учун критик чуқурликдан юқорида жойлашган сизот сувлари таркибидаги умумий ва заҳарли тузларнинг тупроқ шўрланиш даражасига кўрсатадиган таъсири»нинг ҳавфлилик даражаси бўйича ишлаб чиқилган классификациянинг амалиётга тадбиқ қилиниши, критик чуқурликдан юқорида жойлашган сизот сувлари таркибидаги умумий ва заҳарли тузларни тупроқлар шўрланишига кўрсатадиган таъсирининг ҳавфлилик даражасини тўғри баҳолаш имконини беради.

8. «Тупроқларнинг тузли профили ва гранулометриқ таркибини яратиш дастури» – деб номланган электрон график тасвирда ифодаланувчи ЭХМ дастури эса тупроқшуносликда ушбу график тасвирни аниқ ва тезда ифодалаш имконини беради.

9. Орол денгизи қуриган тубидан учирилган ва экин майдонларига олиб келиб ётқизилган тузли-қум-чангли аэрозоль намуналарида оғир металллар, пестицидлар, заҳарли моддалар ва тузлар миқдори, шўрланиш даражаси ва типлари аниқланган, ушбу маълумотлардан охириги йилларда мазкур ҳудудда тез-тез такрорланиб турувчи тузли бўронларнинг зарарли оқибатларини бартараф этишда фойдаланиш тавсия этилади.

10. Экологик фожа маркази ҳисобланган қуриган Орол денгизи тубининг энг муаммоли ҳудудлари денгиз ётқизикларининг морфогенетик хоссалари, механик таркиблари, тупроқгрунтларидаги сувда эрувчан тузлар миқдорлари ва захиралари аниқланган ва уларнинг йил даврлари (фасллари) бўйича ўзгариши солиштирилган, ушбу маълумотлардан мазкур ҳудудда чўлга ва шўрга (галофит) чидамли, ўсимликларни экишда фойдаланиш тавсия этилади.

11. Қуйи Амударё ҳудуди - эскидан ва янгидан суғориладиган гидроморф ва яримгидроморф тупроқларининг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқлар унумдорлиги ва ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш, шўрланишнинг олдини олиш бўйича олинган маълумотлардан ва тузилган картограммалардан «Тупроқшунослик», «Агрокимё ва агротупроқшунослик», «Мелиорация ва сув хўжалиги» ихтисослиги, шунингдек, деҳқончилик соҳаси бўйича таълим олаётган талабалар ҳамда ушбу соҳа мутахассислари учун маълумот сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И  
АГРОХИМИИ**

**МИРЗАМБЕТОВ АБДИРАШИТ БАЗАРБАЕВИЧ**

**ЭКОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНОЕ СОСТОЯНИЕ ОРОШАЕМЫХ ПОЧВ  
ЮЖНОГО КАРАКАЛПАКСТАНА И ИХ УЛУЧШЕНИЕ (НА  
ПРИМЕРЕ БЕРУНИЙСКОГО РАЙОНА)**

**03.00.13 – «Почвоведение»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент-2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/Qx695.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (НИИПА).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно – образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Ахмедов Алмон Усмонович</b> кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Курвонтоев Рахмонотой</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии
	<b>Саидова Муниса Эргашевна</b> доктор биологических наук, доцент Ташкентский государственный аграрный университет
<b>Ведущая организация:</b>	Ноциональный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в «\_\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/V.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.)

**Ш.М.Бобомуродов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

**Ж.М.Кузиев**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н.,  
старший научный сотрудник

**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Председатель научного семинара по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
старший научный сотрудник

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день «площадь засоленных земель занимают примерно 25% от всей поверхности суши земного шара<sup>5</sup>. За последние 20-25 лет ежедневно более 2000 гектаров почв орошаемых земель свыше 75 государств расположенных на территориях пустынных и полупустынных областей, из-за увеличения в них концентраций легкорастворимых солей, из-за ускорения процессов опустынивания, засоления и эрозии подвергаются процессам деградации разного типа»<sup>6</sup>. По этой причине на сегодняшний день является важнейшей и актуальной научные исследования по сохранению плодородия почв, по их эффективному и рациональному использованию, улучшению эколого-мелиоративного состояния орошаемых земель и повышению производительной способности почв в сельском хозяйстве.

В мире ведутся ряд научно-исследовательских работ по приоритетным направлениям из-за кризисного состояния, деградации почв и по оценке причиняемых этими процессами вреда сельскому хозяйству, предотвращению и по устранению их негативных последствий. Уделяется особенное внимание проведению научно-исследовательских работ по выявлению причин засоления почв, происхождению (геохимии) солей, определению причин миграции и аккумуляции солей в почвенных слоях, ускорению сельского хозяйства путём применения новых ресурсосберегающих и нетрадиционных методов направленные на улучшения агро-мелиоративного состояния почв, а также повышению плодородия и эффективности почв.

